ОЛИЙ ПЕДАГОГИК ТАЪЛИМДА ТАЛАБАЛАР ИЖОДИЙ ҚОБИЛИЯТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИНДИВИДУАЛ ТАЪЛИМ БЕРИШ МЕТОДИКАСИ (ҚАЛАМТАСВИР МИСОЛИДА)

Ботир Байметов
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти профессори
bbb19532506@gmail.com

Мухиддин Шарипжонов
Наманган давлат университети таянч докторанти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада тасвирий санъатнинг энг асосий бўғини, қаламтасвир орқали талабаларнинг ижодий қобилятларини шакллантиришда индивидуал ёндошув ҳақида боради. Бунда тасвирий санъатни ўқитилишининг ҳозирги ҳолати, ривожланиши бўйича илмий таклиф ва методик тавсиялар берилган.

Калит сўзлар: Тасвирий санъат, қаламтасвир, индивидул ёндошув, бадиий ижод, тасвирий санъат қонуниятлари.

METHODOLOGY OF INDIVIDUAL EDUCATION IN THE FORMATION OF STUDENTS' CREATIVE ABILITIES IN HIGHER PEDAGOGICAL EDUCATION (ON THE EXAMPLE OF FINE ARTS)

Botir Baymetov
Professor of Chirchik State Pedagogical Institute of Tashkent region
bbb19532506@gmail.com

Mukhiddin Sharipjonov
Doctoral student of Namangan State University

ABSTRACT

The article is devoted to one of the important problems of visual activity, the problem of developing students' creative abilities through an individual approach to teaching. It also discusses modern issues of teaching methods and also provides scientific proposals and methodological recommendations.

Keywords: Fine arts, drawing, individual training, artistic creation, the laws of fine arts.

КИРИШ

Педагогика олий ўқув муассасаларида бўлажак педагог кадрларни касбий тайёрлашда мутахассислик фанларнинг ўрни катта бўлиб, улардан асосийси қаламтасвир машғулотлари ҳисобланади.

Юқорида санаб ўтилган жиҳатларнинг барчаси бўлажак тасвирий санъат ўқитувчисини касбий тайёрлашда муҳим ҳисобланади. Шуларнинг энг асосийларидан бири бўлган амалий ва назарий машғулотларда талаба билан индивидуал ишлашга кенгроқ тўхталамиз.

Бўлажак ўқитувчини асвирлашга ўргатиш, ҳамда касбий жиҳатдан ижодкор сифатида шакллантириш олий ўқув юрти профессор-ўқитувчисининг рассом сифатида професионал бадиий тайёргарлигидан ташқари, психологик-педагогик таёргарлигига ҳам кўп жиҳатдан боғлик. У ўз талабасининг ижодий қобилиятларини ривожлантириш учун нималарга кўпроқ эътибор қаратиш керак эканлигигини англаши муҳимдир (график тасвирлаш маҳоратлари, шаклнинг конструкциясини ўзлаштириши, ёруғ-соя муносабатларини кенгроқ ўрганганлиги ва б.).

Тасвирий санъатдан малакали педагог-кадрлар тайёрлашда олий ўқув юрти профессор- ўқитувчиси талабани машғулотлар давомида қуйидаги асосий жиҳатларга йўналтириши лозим. Улар қуйидагилардан иборат:

- ❖ Талабаларга тасвирий санъатнинг асосий қонун қоидаларини назарий ва амалий жиҳатдан пухта ўргатиш.
- ❖ Ўқув постановкаларини бажариш жараёнида талабада тасвирлаш маҳоратларини шакллантириш (шакл ҳажмини туслаш жараёнида чизиқлар тортиш маҳоратларларни оширишга ўргатиш).
- ❖ Вазифанинг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда уни 2,3,4,5 сеансга мўлжаллаб методик изчилликка тўлиқ риоя қилган ҳолда олиб боришга эришиш.
- ❖ Ўқув постановкаларини бажаришда натурага бўлган эмоционал ҳис туйғуни шакллантириш.
- ❖ Талабаларнинг тасвирлаш маҳоратлари, ҳамда натурани ҳис қилишларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг ҳар бирига индивидуал ёндошиш.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Шахснинг ижодий қобилятларини шакллантиришда индивидуал ёндошув маслаларига, ҳамда бўлажак педагог кадрларни касбий тайёрлаш масалаларига бағишланган илмий ишларни Ўзбекистонлик олимлардан С.С.Абдуллаев, Б.Б.Азимов, Б.Б.Баймeтов, Н.Х.Толипов, Қ.Қ.Қосимов, Р.Х.Хасанов ва бошқалар олиб борганларлар. Ҳорижий олимлардан таниқли психолог ва педагоглардан А.В.Бакушинский, Л.С.Выгодский, Е.И.Игнатьев, Е.А.Флерина, Т.С.Комарова, С.Е.Игнатьев, С.Л.Рубинштейн, Б.М.Тепловлар ўз асарларида мурожаат қилган бўлсалар, талабаларнинг креативлик масалалари ва бадиий - графика факультетларида мутахассислик фанларини ташкил этиш муаммоларига

бағишланган муаммоларга олимлардан Л.Г.Медведев, Л.А.Ивахнева, В.К.Лебедко, Е.В.Шорохов, В.С.Кузин, В.В.Корешков, А.С.Хворостовлар ўзларининг илмий тадқиқот ишларида мурожаат қилганлар.

Жумладан, П.П.Чистяковни маҳоратли педагог сифатида эслаб В.М.Баруздина шундай деб ёзган эди: «Истеъдодлар шунчалик турли-туманки П.П. Чистяков ҳар бирини ўз характери бўйича ўргатган, уларнинг барчасини у ҳайрон қолдириб, аниқ топа оларди, шунинг учун ҳам унинг талабалар ҳам бир-бирига ўхшамайди, ўз ўқитувчисига ҳам ўхшамайди. Улар ҳамма учун битта фақатгина қонун бўлган, масалан ҳал этишга турли усул билан ёндошиш талабаларнинг индивидуаллиги ихтиёрига берилган». Академик расм чизиш машғулотларида талабалар ижодий фаолиятини фаоллаштириш учун бир томондан уларда кучли хиссиёт ва эстетик ҳаяжон уйғотиш керак, иккинчи томондан эса-уларда ишни бошлашдан аввал қандай ҳиссиёт ва ҳаяжон пайдо бўлишини кузатиш керак. Бир хилларида топшириқни педагог айтганидек, бажариш истаги пайдо бўлади ва улар ишга киришадилар. Бошқалари эса, аксинча, ўзларига ишончи йўқ, қўрқадилар, бу топшириқни бажаришга кучим етмайди деб ўйлайдилар. Бундай вақтда педагог энг аввал қўрқинчни енгиб ўтиш кераклигини таъкидлаши лозим. Аксинча ўзига ишончни уйғотиши, қўйилган вазифани бажара олиши мумкинлигига ишонтириши керак. Бошқача айтганда ижобий эмоциялар уйғотиши керак. Бу вазиятда ижодий фаолиятни фаоллаштириб, педагог ҳар бир талабага жуда диққат билан эътибор бериши керак: биринчи ҳолда талабани рағбатлантириб унинг ижодий ташаббусини тўғри йўлга солиш керак; бошқа ҳолатда эса аксинча, дарҳол тўхтатиш, унинг янглишаётганини тушунтириш ва унинг диққатини ўқув топшириғини бажаришга жалб этиш керак. Ўз талабаларида ижодий қобилиятни ривожлантириб, педагог билим ва кўникмаларга қизиқишини, мустакиллигини, ижодий ташаббусини, узига талабчанликни ҳисобга олиши керак.

НАТИЖАЛАР

Кўп йиллик натижаларга кўра, талабалар бир-биридан идроки ва характери бўйича ҳам, туғма қобилияти билан ҳам анча фарқ қиладилар. Бу индивидуал фарқлар расм чизишга ўқитиш боришига ўз таъсирини кўрсатади. Уларни аниқлаб ва фойдаланиб, педагог талабалар билан керакли алоқа ўрната олади ва уларнинг ҳар бирини тўри йўлга сола олади, яъни унинг бадиий-ижодий қобилиятини очади ва уларни ривожлантиради. Талаба академик топшириқни бажарганида, масалан, яланғоч одамнинг гавдасини тасвирлаганда, улар ҳаммаси тасвирни кўриш бир хил тамойил ва усуллари бўйича иш олиб

борадилар. Аммо индивидуаллик психологик хусусиятлари ҳисобига улардан ҳар бир натурани ўзига қабул қилади ва акс эттиради ва ҳар бир расмда тасвирлаш тилининг индивидуал мазмундорлиги таъсирини кўрсатади. Бунда шуни эсда сақлаш керакки, қобилият фақатгина ривожланишдагина мавжуд бўлади ва бу ривожланиш фақатгина амалий фаолият жараёнида амалга оширилиши мумкин. Расм чизишга қобилият ўз-ўзидан юзага келмайди, у фақатгина тасвирий фаолият билан шуғулланиш даврида намоён бўла олади. Тасвирий илм асослари ҳақида билим олар экан (перспектива қонунлари, соялар назарияси, анатомия), тасвирлаш маҳорат ва кўникмаларини эгаллаб, расм чизувчи бир вақтнинг ўзида ўз ижодий қобилиятини ҳам ривожлантиради.

МУҲОКАМА

Академик расм чизиш машғулотларида талабаларнинг бадиий-ижодий қобилиятларни ривожлантиришнинг муҳим омили шундаки, ўқув вазифасини ўзлаштириш жараёнида ижобий ва эмоционал муносабатини фаоллаштириш

керак. Бундай фаоллаштиришнинг психологик-педагогик шартлари эмоционал кайфият ҳосил қилиш педагог ва талаба ўртасида ўзаро алоқалар ўрнатилиши, яъни, тасвирлаш босқичларида амалий ишларни бажариш усулларини педагог кўрсатиб бериши, натурадаги эътиборни тортувчи иккинчи даражали шаклларни йўқотиш, фанлараро боғлиқликни амалга ошириш талабаларга таъсир этишнинг педагогик усуллари турли–тумандир. Аслида тасвирий санъат дастурларида хотирада эслаб қолган шаклларни ва тасаввурдан ҳосил қилиш бўйича мустақил расм чизиш махсус топшириқлари кўзда тутилган. Лекин бугунги кунда таянч олий таълим муассасалари томонидан тасдиқланиб Республиканинг барча турдош ОТМга етказилаётган дастурларда бу муҳим машғулот тури кўзда тутилмаган. Бу топшириқларни бажаришда талаба ўз билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш билан бирга, уларни ижодий қайта тушуниб англаб етади.

Мустақил ишни бажариш аудиторияда бўлса ҳам, уйда бўлса ҳам алоҳида куч билан ижодий фаолиятни фаоллаштиради. Уйга берилган топшириқлар муаммоли хусусиятига эга бўлиши керак, чунки уларда ижодий ёндошишни талаб этувчи бир қатор масалаларни мустақил ечишига тўғри келади.

Муаммоли вазиятдан талаба тадқиқотчилик кўринишида ёндошишни, мустақил равишда билимлар излаб топишни, расм чизиш соҳасидаги ўз кўникмаларидан янгича фойдаланишни талаб этади. Бунинг учун у қадимги тасвирий усталарининг тасвирий санъат соҳасидаги қимматли фикрларини тахлил қилиши, уларни анализ ва синтез қилиш натижасида ўзининг ижодий

йўлини танлаши лозим. Муаммоли вазият мантиқий, ижодий фикрлашга ўргатади, қизиқтиради, фанни чуқур эгаллашида асос ҳисобланади. Бу ерда педагогнинг методик ишланмалари жуда муҳим аҳамият касб этади. Яъни, муаммони моҳирлик билан ифода этиб бериш, ундан асосий бўлмаган кичик муаммоларни ажратиб чиқариш, ижодий фикрлашни фаоллаштириш.

Қаламтасвир машғулотларида талабалар ижодий қобилиятларини ривожлантиришда атроф-муҳитнинг таъсирини, алоҳида ижодий жараён билан боғлиқ шахслар ва жамоанинг ўзаро муносабатини ҳисобга олиш зарур. Ўқув материалларини ўзлаштира бориб, ҳар бир талаба, ўз қобилиятига биноан натижаларга эришади ва шу билан бир вақтда ўз расмини ўртоқлари чизган расм билан солиштиришга ҳаракат қилади, буни фақатгина ўз ишини баҳолаш учунгина эмас, балки яна ўртоқларидан бирор нарсага ўрганиш учун бажаради. Кўпинча ўрганиб олиш тақлид қилишга айланади, лекин бунинг ҳеч ёмон томони йўқ, агарда бу ўқув материалини яхши ўзлаштиришга ва ижодий фаолиятини фаоллаштирадиган бўлса. Соғлом рақобатчилик ижодий қобилияти ривожланишига фойдали ва самарали таъсир кўрсатади. Буни қадимги бадиий академиянинг етук рассомлари ҳам таъкидлаб ўтганлар ва муваффақият билан амалиётга татбиқ этганлар. Бадиий Академия талабалари билан бундай шаклдаги ишлар икки мақсадни кўзлаган: расм чизишга ўқитиш ягона талаб ва тамойилларини тасдиқлаш ва ҳар бир талабанинг ижодий фаолиятини фаоллаштириш, ижодий қобилиятини ривожлантириш. Академик расм чизишда ижодий фаоллик даражасини ўқув вазифаларини бажариши натижалари асосида, талабанинг билим ва кўникмаларини ҳисобга олиб, унинг шаклларни идрок этишига йўналганлигини, тасвирга юқори даражада бадиийлик кирита олиш қобилиятини ҳисобга олиб аниқлаш мумкин. Масалан, оддий геометрик жисмларни чизишда, бир талаба фақатгина тасвирни қурилишининг тўғрилигини кузатиб боради, натижада тасвир оддий чизмага ўхшаш хусусиятга эга бўлиб чиқади. Педагог талабанинг ўқув масалаларини ҳал этишга ижодий ёндошиш даражасини баҳолар экан, кучли ёки кучсиз фаоллигик сабабларини аниқлаши керак бўлади. Бунинг сабаблари турлича бўлиши мумкин: бири бўш амалий тайёргарликка эга ва унга қўшимча машқлар зарур бўлса, иккинчисига ишончсизлик ҳалал беради. Бу ерда расм чизувчининг кайфиятини кўтариш керак. Учинчи талабада эса, шаклнинг ҳажмдорлигини қабул қилиш ҳисси ҳали яхши ривожланмаган, у шакл қурилиши тўғрисида мантиқий тўғри фикрлайди, лекин уни тушуниб қоғозда тасвирлишни эгалламаган. Бу ерда талабага шаклларни тўғри ва ҳажмдор қабул қилиш ва уларнинг фарқини тушунтириш керак, иккинчидан эса, предмет шаклини тасвирлаш хусусиятларини ва

қонуниятларини расмда кўрсатиб бериш керак. Ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва ўқув вазифасини бажариш жараёнида ҳар бир талаба ўзини интизомли тутиши, уюшқоқликни тарбиялаши керак. Шунингдек, талабанинг вазифани бажаришда иродали бўлишга педагог алоҳида эътибор қаратиши керак.

ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуларни айтиш керакки, ирода талабанинг вазифа бажариш босқичларининг ҳамма босқичларида керак бўлади. Вазифани ижобий бажаришда талаба ўқув вазифага қўйилган мақсадни англаб етиш, тасвирлаш жараёнида усуллар хақида тўғри қарор қабул қилиш ва тасвирлашда методик изчилликликни танлаши лозим. Кузатишлар шуни кўрсатадики, кўпчилик талабаларда ирода кучи ишнинг охирги босқичида анча пасайиб қолади. Лекин унинг ижодини педагог маъқуллаши, рағбатлантириши, керак бўлганида амалий ёрдам бериб қўллаб туриши лозим. Педагогика ва психологиядан маълумки, ирода, онглилик фаоллик, мақсадга интилиш, ижодий қобилиятнинг такомиллашишини узвийликда бошқаради. Талабаларда ижодий қобилияти ривожланишида катта аҳамиятга эга бўлган ирода, тиришқоқлик, мақсадга интилиш турлича бўлиши мумкин ва уларни илғаб олишга педагог ҳар бир талаба билан алоҳида мунтазам муносабатлар давомидагина эришиши мумкин.

REFERENCES

1. Baymetov, B. B., & Muratov, K. K. (2020). Self Sketches as a Tool in the Professional Training of a Future Artist-Teacher. *Solid State Technology*, 224-231.
2. Baymetov, B. B., & Sharipjonov, M. S. O. (2020). Development Of Students' Descriptive Competencies In Pencil Drawing Practice. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *2*(08), 261-267.
3. Boltabayevich, B. B., & Shodievna, B. O. (2020). Individual Approach To The Formation Of Artistic And Creative Talents Of Students In Art Schools. *The American Journal of Social Science and Education Innovations*, *2*(08), 637-642.
4. Boltabayevich, B. B, & Pardaboy, K. (2020). SCIENTIFIC AND THEORETICAL ASPECTS OF THE FORMATION OF COMPOSITIONAL ABILITIES OF STUDENTS IN PAINTING CLASSES. *European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences Vol*, *8*(3).
5. Boltaboevich, B. B., & Ogiloy, K. (2008). MASTER OF HISTORICAL PORTRAIT GENRE, A TEACHER WHO CREATED A SCHOOL IN THE FIELD OF FINE ARTS PEOPLE'S ARTIST OF UZBEKISTAN PROFESSOR MALIK NABIEV (1906-2008).

6. Sultanov Kh.E. Innovation technology clusters use of technology in illustration / International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 04, 2020: ISSN: 1475-7192. P. 3871-3879;
7. Sultanov Kh.E., Sobirov S.T., Исматов У.Ш. Illustration and the Influence of Illustrator on Children's Understanding of Fairy Tales and Works of Art in Books / International Journal of Psychosocial Rehabilitation, Vol. 24, Issue 05, 2020 ISSN: 1475-7193// p.3526-3533;
8. Байметов, Б. Б., Собиров, С. Т., & Исматов, У. Ш. (2019). ПРОБЛЕМЫ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ ПОДГОТОВКИ УЧИТЕЛЕЙ ИЗОБРАЗИТЕЛЬНОГО ИСКУССТВА. *Вестник науки*, *1*(7), 63-66.
9. Байметов, Б. Б. (2020). ПЕДАГОГИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТАЛАБАЛАРГА КОМПОЗИЦИЯ ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ. *Science and Education*, *1*(7).
10. Байметов, Б. Б., Султанов, Х. Э., & Муратов, Х. Х. (2019). ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ АКТИВИЗАЦИИ ТВОРЧЕСКИХ СПОСОБНОСТЕЙ СТУДЕНТОВ В ПРОЦЕССЕ ПРАКТИЧЕСКИХ ЗАНЯТИЙ. *Вестник науки*, *1*(7), 67-71.
11. Байметов, Б. Б., Султанов, Х. Э., Муратов, Х. Х., & Сабиров, С. Т. (2018). НАУЧНО-ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ФОРМИРОВАНИЯ КОМПОЗИЦИОННЫХ СПОСОБНОСТЕЙ У СТУДЕНТОВ НА ЗАНЯТИЯХ ПО ЖИВОПИСИ. In *Современная научная мысль* (pp. 83-94).
12. Байметов, Б. Б., & Талипов, Н. Х. (2016). МЕТОДИЧЕСКАЯ ПОСЛЕДОВАТЕЛЬНОСТЬ ВЕДЕНИЯ РАБОТЫ НАД ЖИВОПИСНЫМ ПОРТРЕТОМ В ПЕДАГОГИЧЕСКОМ ВУЗЕ. *Научная дискуссия: вопросы педагогики и психологии*, (4-1), 46-50.
13. Талипов Нозим Хамидович Байметов Ботир Болтабаевич. Методическая последовательность работы над живописьным портретом в педагогическом ВУЗе. 2016/4. Журнал. НАУЧНАЯ ДИСКУССИЯ: ВОПРОСЫ ПЕДАГОГИКИ И ПСИХОЛОГИИ.Том 1. Номер 4 (49). Страницы. 46-51. Издатель Наука, образование и культура.
14. Султанов Х.Э., Бекмуродова Ш. Искусство Узбекистана, его итоги, достижение и перспективы / МОЛОДОЙ УЧЁНЫЙ научный журнал// №4 -2016: -С. 1241-1243;
15. Shuhratovich, I. U. (2020). Technologies of working on graphic materials in fine arts classes (on the example of working still life in the pen. European Journal of Research and Reflection in Educational Sciences, 8 (4), Part II, 41-45.
16. Botir Boltabayevich Baymetov, Laylo Mirsoatova OLIY PYEDAGOGIK TA’LIMDA INSON QOMATINI TASVIRLASHNING NAZARIYASI VA METODIKASI Science and education journal. 2020/8. Стр. 467-476.
17. Botir Boltabaevich Baymetov, Ulfat Shuxratovich Ismatov PEDAGOGIKA OLIY TA’LIM MUASSASALARIDA TALABALARINI BOSH NAMUNASINI TASVIRLASHGA O’RGATISH ORQALI TYEXNIK MAHORATLARINI TAKOMILLASHTIRISH Science and education journal. 2020/8. Стр.476-485.